

2-26-2020

## HIGHER EDUCATION MANAGEMENT FEATURES BASED ON INNOVATION

Otabek Siddikovich Kahhorov

*associate professor of the department of economics, PhD of economics, BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Economics Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kahhorov, Otabek Siddikovich (2020) "HIGHER EDUCATION MANAGEMENT FEATURES BASED ON INNOVATION," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 41.

DOI: 10.52297/2181-1466/2020/4/1/15

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/41>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 338.246.2:339.5(575)

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ИННОВАЦИЯ АСОСИДА  
БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ****ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ  
НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИЙ****HIGHER EDUCATION MANAGEMENT FEATURES  
BASED ON INNOVATION****Қаҳҳоров Отабек Сиддиқович***БухДУ иқтисодиёт каф. доц. (PhD)***Kahhorov Otabek Siddikovich***associate professor of the department of economics, PhD of economics, BSU*

**Аннотация.** Мақолада олий таълим муассасаларини инновация асосида бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари санаб ўтилган. Олий таълим тизимида илмий-инновацион фаолиятни амалга ошириш тамойиллари, инновацион фаолиятни самарали ривожлантиришида ўзига хос муаммолар мавжудлиги ҳамда бу муаммоларни ҳал этишида ОТМ ҳал этиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, ОТМ тизимида инновацион олий таълим хизмати лойиҳалари икки йўналишида (ОТМ миқёсида тизимли аҳамият касб этувчи лойиҳалар; ОТМнинг устувор йўналишлари бўйича инновацион лойиҳалар) ишлаб чиқиладиганлиги айтиб ўтилган.

**Таянч сўзлар:** олий таълим муассасалари, инновация, ахборот, илмий салоҳият, инновацион фаолият, инновацион салоҳият, инновация асосида бошқариш.

**Аннотация.** В статье перечислены особенности инновационного управления высших учебных заведений. Система высшего образования имеет принципы осуществления научной и инновационной деятельности, конкретные проблемы эффективного развития инновационной деятельности и проблемы, которые должны решать вузы. Также отмечается, что ВУЗ проектирует развитие инновационных услуг высшего образования в двух областях (систематически важные проекты ВУЗа; инновационные проекты в приоритетах ВУЗа).

**Ключевые слова:** высшие учебные заведения, инновации, информация, научный потенциал, инновационная деятельность, инновационный потенциал, инновационное управление.

**Annotation.** The article lists the features of innovative management of higher education. The higher education system has the principles for the implementation of scientific and innovative activities, specific problems of the effective development of innovative activities and the problems that universities must solve. It is also noted that the university is designing the development of innovative higher education services in two areas (systematically important projects of the university; innovative projects in the priorities of the university).

**Key words:** higher education institutions, innovations, information, scientific potential, innovative activity, innovative potential, innovative management.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ҳозирги даврда иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида фаолият юритаётган барча тур ва шаклдаги корхоналарнинг барқарор ривожланишига қаратилганидир. Шу жиҳатдан, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, диверсификациялаш, молиялаштириш, инвестициялаш, замонавий техника ва рақамли технологияларни жалб этиш баробарида улар фаолиятида маркетинг хизматлари фаолиятини такомиллаштириш ҳар қандай соҳа, шу жумладан, олий таълим тизими олдида турган ҳамда ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда таълим тизимини, жумладан олий таълим

тизимини модернизациялаш, уни янги босқичга кўтариш асосида креатив фикрловчи рақобатбардош юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасида кенг миқёсда олиб борилаётган ислохотлар ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради. Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз” [1].

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш иқтисодиёт ривожланишида, хусусан, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бунда иқтисодий ўсишга зарур шарт-шароит яратиш орқали аҳолининг фаровонлик даражаси оширилади.

Маълумки, инсон капитали олий таълим хизматлари кўрсатиш жараёнида аҳоли томонидан билимлар ўзлаштирилиши натижасида шаклланади ва қиймати ошиб боради. Инсон капитали инвестицияларнинг олий таълим хизматлари бозори орқали амалга оширилади.

Чунки барқарор иқтисодий ўсишга эришишда таълимга инвестицияларнинг аҳамияти жисмоний капиталга инвестицияларнинг аҳамиятидан кам эмас. Умумжаҳон банки маълумотларига кўра, ҳозирги давр иқтисодиётида инсон капитали мамлакат бойлиги умумий ҳажмининг Японияда 64, Германияда эса 80 фоизини ташкил этади. Бу рақамлар даражасини кўтариш учун дунёда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда ҳар бир тармоқ ва соҳалар иқтисодиётини юксалтириш, шу жумладан олий таълим тизимини модернизациялаш эвазига ёшларимиз келажакни таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида муҳтарам Президентимиз томонидан ва амалдаги меъерий ҳужжатлар [2-4] талабларига мувофиқ устувор вазифалар белгилаб берилмоқда.

Бинобарин, Мурожаатнома[4]да қуйидаги инновацион вазифалар белгилаб берилди: “Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур. Мисол учун, она тили бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Ёшлар исталган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга кираётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади. Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади”.

Демак, ҳозирги даврда инсон капиталига, инсон меҳнати сифатини оширишга харажатлар иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқлари самарадорлиги олиши, уларни бозор талаблари негизида қайта қуриш учун асосий омил ҳисобланади. Чунки инсон капиталига келажакда жамиятнинг янада юқорироқ даромадлар манбаи ва жамғарилиб бориладиган захира сифатида қаралиши мумкин. Шу боис олий таълим тизими ривожлана бориб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига замин яратади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, таркибий ўзгаришлар ва модернизациялаш шароитида долзарб муаммолардан бири олий таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва самарали ривожлантиришдир. Бунга эришиш олий таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бориб, рақобатбардош, малакали ишчи кучи ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқарувчи

мутахассисларни шакллантириш ва такрор ҳосил қилиш билан боғлиқ. Ҳақиқатда ишчи кучи меҳнат бозорида талабгор бўлиши учун билимга, муайян мутахассисликка, касбий тайёргарликка эга бўлиши лозим.

Олий таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, фикримизча, унинг объекти бўлган олий таълим хизматларининг моҳияти ва тузилмасини тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради. Чунки олий таълим хизматлари бозори таълим хизматларини айирбошлаш тизимидир. Айнан олий таълим хизматларига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш таълим хизматлари бозори шаклланиши ва ривожланишининг асосий иқтисодий шarti ҳисобланади.

Оилалар, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан манфаатдор соҳалар, мақсади иқтисодий ўсишга эришиш ва аҳоли фарвонлигини оширишдан иборат бўлган давлат, нуфузини оширишдан манфаатдор бўлган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари таълим хизматлари бозорининг субъектлари саналади. Айнан улар ўртасида таълим хизматларини айирбошлаш жараёнида иқтисодий муносабатлар вужудга келади.

Жамиятнинг бойлиги инсоний ва жисмоний капитал йиғиндисидан иборат. Олий таълимга катта ҳажмдаги инвестициялар ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади. Пировард натижада мамлакатда иқтисодий ривожланишга, аҳоли фарвонлиги ошишига эришилади. Бу ҳолат жамият олий таълим тизимига қилинган инвестициялардан олган нафни кўрсатади.

Тармоқ ва соҳалар ҳам олий таълимга қилинган инвестициялардан наф кўради. Олий таълим муассасалари иш берувчиларга танлаш механизмининг тақдим этади. Иш берувчилар ишга кирмоқчи бўлган ОТМ битирувчиларини тегишли мутахассисликлар бўйича билимларини текшириб, танлов асосида ишга қабул қиладилар. Бунда айнан юқори малакали кадрнинг фаолият самарадорлиги ҳам юқори бўлиши муҳимдир. Пировард натижада, соҳа бозор талабларига мослашиб, юқори самара билан фаолият юритишга эришади.

Инсонга эса, олий таълим тизими касб, мутахассислик йўналишида билим олиб, ўз қобилиятларини рўёбга чиқариб, фарвон ҳаёт кечиринини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасаларини инновация асосида бошқариш масаласида кўпгина қўлланмалар чоп этилган, илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилмоқда. Мазкур масалалар ўқитувчи ва тадқиқотчиларнинг асарлари [5-11]да ёритилган. Ваҳоланки, Шнейдер Е.М. ва б. [10]нинг фикрича, “Биз олий таълим тизимининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга таъсир этувчи баъзи вазиятларни қайд этамиз, хусусан: 1) меҳнат шароитидаги динамик ўзгаришлар; 2) иқтисодий ривожланишнинг янги парадигмасини шакллантириш; 3) таълимни демократлаштириш; 4) мамлакатлар демографиясидаги ўзгаришлар”.

Ахборот технологиялари жаҳон миқёсида товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига кескин таъсир кўрсатмоқда. Ўзида “ахборот”, “илмий салоҳият”, “инновация”, “инновацион фаолият”, “ноу-хау” каби тушунчаларни мужассамлаган олий таълим биринчи ўринга чиқмоқда. Мамлакат иқтисодий ривожланишига молиявий капитал, меҳнат сарфлари, ер каби омилларга нисбатан таълим қўшадиган улуш юқори бўлмоқда ва у миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Галдаги асосий вазифамиз – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг инновацион солоҳиятини ривожланган мамлакатлар даражасига чиқариш ҳисобланади.

Жаҳондаги глобаллашиш жараёнларининг ривожланиши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш каби масалалар таҳлили шуни исботламоқдаки, мамлакатда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда асосий ўринни олий таълим тизимида биринчи навбатда таълимни ишлаб чиқарувчи ва уни кенг халқ оммасига тарғиб қилувчи олий таълим муассасалари эгаллайди. Бу фаолият тури тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда, чунки олий таълим тарақиёти жуда тез жадаллашмоқда ва унда илгариги жамғарилган ва тўпланган билим жуда тез маънавий эскирмоқда. Олий таълим муассасаларини модернизациялаш миллий

иктисодиётнинг бугунги кундаги ривожланиш даражасига, унинг талабларига мос равишда амалга оширишни талаб этади. ОТМлари эса мавжуд илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиб, ўқув-тарбия жараёнида ижодий-инновацион ривожланиши талаб этилади.

Энди олий таълим тизимида “инновация”, “инновацион фаолият” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаб олайлик. Австриялик олим И.Шумпетер XX асрнинг 30-йилларидаёқ инновацияни ўзгаришлар, истеъмол товарларининг янги турларидан фойдаланиш, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, бозорлар ва саноатда ташкил қилиш шакллари жорий этиш мақсадида ўзгаришлар қилиш, деб тушунтирди.

Бу ўринда биринчидан, “янгилик” ва “инновация” тушунчаларини чегаралаш мақсадга мувофиқ. Дарҳақиқат, янгилик – фундаментал амалий тадқиқотлар, ишланмалар ёки бирор-бир соҳа самарадорлигини ошириш бўйича тажриба ишларининг расмийлаштирилган натижаси, чунончи, кашфиётлар; ихтиролар; патентлар; товар белгилари; илғорлар таклифлари; янги ёки такомиллашган маҳсулот, технология, ноу-хоу; илмий ёндашувлар ёки тамойиллар; ҳужжат (андоза, тавсия, усул, йўриқнома ва бошқалар); маркетинг тадқиқотлари, натижалари ва бошқалар.

Янгиликнинг ишлашига сармоя киритиш инновацион фаолиятнинг бир қисмидир. Асосийси, янгиликни жорий этиш, инновация шаклига айлантириш, яъни инновация фаолиятини тугаллаш ва ижобий натижа олиш, сўнг инновацияга киришишини давом эттириш. Янгиликнинг жорий этилиши учун маркетинг тадқиқотларини, илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини, ишлаб чиқаришни ташкилий-технологик тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва натижаларни расмийлаштириш жараёнларини олиб бориш зарур.


Фикримизча, инновация – ихтиро, янги технологик маҳсулот, хизмат шаклидаги ёки ташкилий-иктисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий характердаги, тайёр, ҳал этилган, хўжалик субъектида фойдаланилаётган, унинг рақобатбардошлиги ошишини таъминловчи, якуний фаолият натижасидир. Инновацион фаолият эса, илмий тадқиқотлар, техник ихтиролар қилиш орқали соҳани, унинг молиясини маркетинг инструментларидан фойдаланган ҳолда самарали бошқариш ва якуний натижада унинг рақобатбардошлиги ошишини таъминлаш мақсадида иқтисодий фаолиятига жорий этишга олиб келадиган, инновацион янгиликни яратишга йўналтирилган жараёндир.

Таълимда инновацион инфратузилмага эга бўлинганда мавжуд муҳит доирасида, унга мос лойиҳанинг жорий этилиши инновацион фаолият амалга ошганини ифода этади. Инновацион фаолиятнинг кириш қисмида унинг муҳим элементи бўлган кадрлар, молиявий, ахборот ва моддий-техник кўринишдаги ресурслар, лойиҳанинг якуний – чиқиш қисмида эса янги технология, маҳсулот, хизмат, шунингдек, янги ташкилий, бошқарув ёки интеллектуал мулк шаклидаги патентлар, лицензиялар, ноу-хау ва алоҳидалашган воситалар шаклидаги инновация туради. Бу билан хўжалик субъекти инновацион фаолият натижасида бозорда муваффақиятли ривожланиш учун рақобат устунлигига эга бўлади, ўз салоҳияти ва илмий кадрлар салоҳиятини ривожлантиради. Иқтисодий субъектнинг инновацион фаолияти схемаси 1-расмда келтирилган.

Таълим хизматлари бозорида инновацияни жорий этишдан асосий мақсад интеллектуал мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига, унинг рақобатбардошлиги ва ялпи даромад ҳажми ошишига эришишдир. Бу, ўз навбатида, янги инновацион лойиҳаларни амалга оширишда соҳада зарур ресурсларни шакллантиради.

Инновация бугунги кунда олий таълим муассасасини ривожлантиришда асосий устувор омил сифатида намоён бўлмоқда. Ҳозирги замон олий таълим муассасасининг инновацион ривожланиши объектив белгиланган, маълум мақсадга қаратилган, босқичма-босқич амалга ошувчи, вақт мобайнида тўхтатиб бўлмайдиган, шунингдек, унинг янги сифат элементлари, хусусиятлари ва белгиларини мақсадга мувофиқ жорий этиш орқали амалга оширилади. ОТМнинг инновацион ривожланиши тизимли сифат ўзгаришлари жараёндир. Инновациялар ва янгиликлар унинг оптимал ва барқарор ривожланишини таъминлашда мазмун ва асосий шартлар сифатида хизмат қилади.

Инновацион тизим ёшларда фундаментал тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ахборотларни таҳлил этиш ва қайта ишлаш, мустақил ақлий меҳнат қилиш усуллари, зарур кўникма ва қобилиятларни эгаллашга имкон яратади. Бугунги ОТМнинг инновацион муҳити унда фундаментал фаннинг илмий тадқиқот иши (ИТИ) ва мутахассислар тайёрлаш жараёни бир-бирига яқинлашаётганини кўрсатмоқда.



1-расм. ОТМ тизимида инновацион фаолиятнинг ташкил этилиши

Инновацион ривожланиш стратегияси ОТМнинг самарали ривожланиш омилига айланмоқда. Аввалги даврларда ОТМ ўз эътиборини асосан ички салоҳиятдан самарали фойдаланишга қаратган бўлса, бугунги кунда амал қилиш тизимидан инновацион ривожланиш тизимига ўтишни долзарб қилиб қўймоқда.

Инновацион таълимнинг моҳияти анъанавий таълимдагидек, доимо эскириб бораётган билимлар захирасини талабаларга беришга эмас, балки унинг базавий асосларини эгаллаб олиш ва кейинчалик заруратга қараб, мустақил ҳолда чуқур ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва бойитишга қаратилган таълимни англатади. Шунинг учун ҳам бундай таълим амалиёт билан анъанавий таълимга нисбатан кўпроқ даражада мустаҳкам боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон ОТМларидаги анъанавий таълимнинг олдинги модели талабаларда билим, қобилият ва профессионал кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган эди. Шаклланган билим, қобилият ва кўникмаларни ўқитувчидан, талабага ўтказиш унинг моҳиятини ташкил этарди. Бунда ўқитувчи асосий билим манбаи бўлиб, билим ҳажми ва ўзлаштириш услубиётини ҳам белгилаб берарди. Бунда ўқитувчи, тарбиячи, устоз ушбу олий таълим тизимида етакчи бўлин эди. Янги инновацион таълим тизимида олий таълим хизматининг асосий истеъмолчиси талаба ҳисобланади. Инновацион олий таълим хизмати натижасида талабанинг билими, салоҳияти сифат жиҳатдан кескин ўзгариши назарда тутилган.

ОТМда инновацион ривожланиш стратегияси “нимани ўзгартириш” ва “қандай ўзгартириш”ни белгилаб беради. Бу саволларга ОТМнинг инновацион ривожланиш стратегияси жавоб беради. ОТМларда келажакда истеъмолчилар талабини чуқур ўрганиш, рақобатчилар билан алоқа ўрнатиш, шунингдек, янги тадбиркорлик субъектлари, уларнинг истиқболлилиги ва ишончилигини аниқлаган ҳолда мазкур субъектларнинг талабларига йўналтирилган сиёсат олиб борилмоқда. Узоқ муддатли мақсадлар ва инновацион стратегиялар ОТМнинг ички ва ташқи муҳити ўзгаришларида ўз ифодасини топмоқда.

Шундай қилиб, ОТМнинг инновацион асосда ривожланиш модели унинг умумий фаолияти сифати даражасини кўтариш ҳисобига таълим, илмий ва инновацион фаолиятда реал рақобатбардошлигини оширадиган механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича чуқур интеграцияни талаб этади.

Инновацион ОТМнинг асосий вазифаси янги, замонавий билимни бир бутун жараёнда ҳам оладиган, тарқатадиган ва қўллай оладиган сифатли, рақобатбардош инновацион мутахассисларни техника ва технологияларнинг истиқболли соҳалари бўйича тайёрлаш ҳисобланади. Инновацион иқтисодиёт учун бундай мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ОТМ учун инновацион муҳитни, шу билан бирга унга мос илмий салоҳиятга эга олий малакали профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантиришни талаб этади. Эндиликда ОТМда анъанавий ўқитиш, тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, профессионал ва тарбиявий вазифалардан ташқари сифат жиҳатдан янги инновацион ва тадбиркорлик вазифалари пайдо бўлди.

Таҳлилларга кўра, ОТМнинг ўқув-илмий инновацион мажмуали янги модели ўзида фундаментал таълимни, академик фаннинг ривожланган, кенг тармоқли, юқори технологик инновацион тузилмалар ва кичик соҳалардан иборат моделини мужассамлаштирган, миллий инновацион тизимда яратилаётган энг самарали тузилма элементлари ҳисобланади. Бир томондан, бу мажмуалар инновацион янгиликларни яратиш ва уларни бозорга чиқаришда фойдаланиш мумкин бўлган, амалиётга нисбатан сезиларли даражада, катта илмий-техник ва инновацион салоҳиятга эга. Бундан ташқари улар инновацион иқтисодиёт учун кадрлар тайёрлашга ўтмоқда.

Шу билан бирга ОТМнинг миллий инновацион фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга. Уларга қуйидагилар киради:

- ғоядан якуний инновацион фаолият натижасига ва ундан товарни бозорга чиқариш ўзида ўқув-илмий ва ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси тузилмаларини яратиш ҳисобига тўла тугалланган инновацион циклни амалга ошириш имконияти мавжудлиги;
- инновацион циклнинг барча босқичларини амалга ошира оладиган олий малакали (фан докторлари, фан номзодлари, фалсафа докторлари) мутахассислар мужассамлашгани;
- иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион фаолият учун кадрлар тайёрлашда ўқув-илмий ва ишлаб чиқариш базалари ҳамда олий малакали профессор-ўқитувчилар мавжудлиги;
- талабаларга олий таълим беришда илмий тадқиқот тамойилини амалга ошириш ва инновацион жамият асоси бўлган илмий ташкилотлар билан бирга илмий ғояларни такрор ишлаб чиқариш.

Олий ва ўрта махсус таълим тизими афзалликларидан тизимли ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланиш, олий таълим фанини, академик ва тармоқ фанлари натижалари ва ютуқларини самарали инновацион интеграциялаш асосида инновацион фаолиятни ривожлантириш, мамлакатда самарали инновацион иқтисодиётни барпо этиш имкониятларини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ОТМларида илмий-инновацион фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган мақсади таълим, илмий-техник ва инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланиб, мамлакатни жаҳон малака талаблари даражасида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этувчи илмий ва илмий-педагогик мутахассислар тайёрлаш ҳисобланади.

ОТМнинг илмий-инновацион фаолияти субъектларига қуйидагилар киради:

- ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар, магистрлар ва бевосита ОТМ инновацион фаолиятида иштирок этувчи талабалар;
- кафедраларнинг илмий тадқиқот лабораториялари;
- ОТМнинг илмий тадқиқот институтлари ва илмий тадқиқот марказлари;
- ОТМнинг маркетинг, ахборот, эксперт, сертификация, интеллектуал мулкни кўриқлаш объектларини ўзида мужассамлаган инновацион тузилма бўғинлари;
- ОТМнинг илмий-технологик парки;
- инновацион марказлар, технологияларнинг трансфер марказлари, бизнес инкубаторлар;
- махсус тажриба-ишлаб чиқариш, тажриба-экспериментал соҳалари билан бирга конструкторлик бюрolari;

• ОТМ билан инновацион фаолият бўйича ҳамкорлик шартномалари бўлган соҳа ва ташкилотлар.

Олий таълим тизимида илмий-инновацион фаолият қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

• Илмий тадқиқот ва олий таълим жараёнларининг бирлиги, улар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланишига йўналтирилганлиги;

• етакчи олимлар жамоасини, илмий ва илмий-педагогик мактабларни қўллаб-қувватлаш;

• давлат дастурлари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун юқори малакали илмий мутахассисларни тайёрлашнинг ягона давлат буюртмалари асосида режалаштириш механизми мавжудлиги;

• тематик режалар, илмий, илмий-техник ва инновацион дастурларнинг турли танлов шакллари ташкил этиш;

• илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларида ресурсларни мужассамлаштириш ва тайёр маҳсулот яратиш билан яқунланувчи тадқиқотларнинг тўла циклини амалга ошириш;

• ўз-ўзини бошқариш билан давлат бошқарувининг оптимал нисбатини таъминлаш;

• олий таълим тизимида инновацион инфратузилмаларни шакллантириш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

• халқаро илмий-инновацион жамиятларга интеграцияни кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикаси ОТМларида инновацион фаолиятни самарали ривожлантиришда ўзига хос қатор муаммолар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Салоҳиятли кўпгина ёшлар тижорат фаолиятига ўтиб кетиши натижасида ОТМларида инновацион фаолиятни амалга оширишда ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдалана оладиган профессор-ўқитувчилар етишмаслиги.

2. ОТМнинг моддий-техник базаси эскирганлиги ва захиралари чекланганлиги.

3. ОТМнинг инновацион фаолиятини самарали ривожлантиришда молиявий ресурслар танқислиги.

4. ОТМда инновацияларни жорий этишда профессор-ўқитувчилар томонидан ижтимоий-психологик ҳарактердаги тўсиқлар юзага келиши.

5. ОТМни инновацион ривожлантиришда норматив базалар тўла шаклланмаганлиги.

Бу муаммоларни ҳал этиш ва Ўзбекистон иқтисодиётини инновациялар асосида ривожлантириш масаласи Республика Президенти ва ҳукумати олиб бораётган сиёсатда устувор масала ҳисобланади.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–436-сонли ёки 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–916-сонли қарорлари мисол бўлиши мумкин. Уларга асосланиб, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ОТМларни инновациялар асосида ривожлантиришнинг устувор йўналишлари амалга оширилмоқда. Бу борадаги мақсадлар юзасидан ОТМда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

1) ОТМларда олий таълим ва илмий-техник соҳада, фан ва техниканинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, билим олишнинг бирламчи босқичидан фундаментал ва амалий тадқиқотларни ўтказиш, ички ва ташқи бозорда янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичларини қамраб олган тўла инновацион циклини шакллантириш;

2) олий таълим ва инновацион маҳсулот ва хизматларни яратиш ҳамда ишлаб чиқишда маркетинг фаолиятини олиб бориш;

3) билим ва ихтироларни тижоратлаштириш, интеллектуал мулк ва технологиялар трансферини самарали ҳимоялаш асосида маркетинг фаолияти доирасида ишлаб чиқилган янгиликларни, янги технологияларни ОТМ тизимида кенг тарқатиш тизимини яратиш;



4) инновацион лойиҳалар, уларни молиялаш йўллари кидириш, маҳсулотни бозорга чиқариш усуллари баҳолашнинг янги услубиётини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;

5) инновацион жараёнларга олимлар, ўқитувчилар, докторантлар, таянч докторантлар, магистрантлар ва талабаларни жалб этишга шароит ва имкониятлар яратиш.

Хусусан:

- бизнес инкубаторларни, технопаркларни ва бошқа инновацион тузилмаларни жалб этиш орқали илмий ва илмий-техник инновацияларни мажмуали қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

- илмий ва илмий-техник салоҳиятни устувор тадқиқотлар ва ишланмалар ўтказишда тўплаш;

- талабалар ва ёш мутахассисларни илмий фаолиятга жалб этиш мақсадида илмий-техник конференциялар ўтказиш, илмий лойиҳалар ижрочилари ва раҳбарлари қатнашувчи ҳамкорликдаги тадбирларни йўлга қўйиш;

6) ўқув жараёнига университетнинг инновацион фаолияти натижаларини жорий этиш;

7) ОТМга ёки унинг профессор-ўқитувчиларига тегишли интеллектуал мулк объектларини ҳимоялаш бўйича ягона тизимни яратиш;

8) ОТМда мавжуд инфратузилмани қайта қуриш орқали замонавий олий таълим тизими ва илмий жараёнларни интеграциялаш имкониятларини вужудга келтирувчи янги инфратузилмани барпо этиш;

9) ОТМда ҳужжатлар ҳаракатини автоматлаштиришга ёрдам берувчи ва унинг ўқув, илмий ва ахборот блокларини бирлаштирувчи ягона ахборот тизимини яратиш;

10) Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш давлат дастури доирасида ОТМлари, Ўзбекистон Фанлар академияси ва унинг идоралари билан илмий фаолиятни модернизация қилиш режа-тадбирларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш юзасидан янги алоқаларни ривожлантириш;

11) трансфер ва технологияларнинг самарадорлигини ошириш, бюджетдан ташқари қўшимча молиявий ресурсларни жалб этиш, ОТМнинг инновацион ишланмалари маълумотлар банки ва мониторинг тизимини яратиш;

12) ОТМларини тармоқлар, ҳудудлар, концернлар, соҳалар ва бошқа хўжалик субъектлари билан илмий-инновацион ва олий таълим соҳасида яқин шерикчиликни таъминлаш;

13) минтақа ОТМларининг ҳудудий илмий-техник сиёсатини амалга оширишдаги иштирокини жонлантириш;

14) инновацион тадбиркорлик соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш;

15) ОТМ миқёсида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватловчи (венчур молиялаш, халқаро ташкилотлар фондлари, ҳомийларни жалб этиш ва б.) янги молиявий-иқтисодий механизмлар жорий этиш тажрибаларини ўтказиш.

ОТМ инновацион фаолиятининг устувор йўналишлари тадқиқ этилганда асосий эътиборни муассасанинг ўқув-услубий жараёнлар билан бир вақтда илмий фаолият олиб боровчи ташкилот эканлигига қаратиш керак. Бу икки фаолият йўналиши янгиликларни яратишда ўзига хос мақсадларга эга.

Бугунги кунда ОТМда янги олий таълим технологияларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш соҳалари куйидаги тўрт йўналишда амалга оширилмоқда:

- ўқув жараёнини самарали ташкил этиш асосида олий таълим сифатини ошириш, янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув материалларини шакллантириш ва олий таълим олувчилар мавжуд ўқув материалларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар, шунингдек, олий таълим сифатини назорат қилувчи тизимни яратиш;

- олий таълим жараёнида ўқитувчининг бажариши лозим бўлган аудитория юкламаларини камайтириш, талабаларнинг фанларни мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув-услубий материалларни электрон ва қоғоз шаклида тайёрлаш, мунтазам равишда уларни

янгилаш асосида педагог ходимнинг индивидуал юкламаси ҳажми таркибини оптималлаштириш;

- абитуриентларни олий таълим тизимига самарали тайёрлаш ва келажак талабаларнинг базавий билим даражасини ошириш, ўқитувчиларда малака даражаси ва таълим технологияларига нисбатан муносабатни ўзгартириш ҳисобига таълим сифатини ошириш;

- ОТМ нуфузи ва рақобатбардошлигини ички ва халқаро олий таълим хизмати бозори миқёсида ошириш.

ОТМ тизимида инновацион олий таълим хизмати лойиҳалари икки йўналишда ишлаб чиқилмоқда:

1. ОТМ миқёсида тизимли аҳамият касб этувчи лойиҳалар.
2. ОТМнинг устувор йўналишлари бўйича инновацион лойиҳалар.

ОТМлари инновацион ривожланишида тизимли аҳамият касб этувчи инновацион олий таълим лойиҳалари ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ОТМнинг барча факультетлари ва бўлимларида электрон кутубхона тизимини яратиш;

- ўқув жараёнини масофавий олий таълим технологияларини татбиқ этган ҳолда ташкил этиш;

- ўқув дарслари соатларини ўтиш учун телеконференция ўтказиш имкониятларига эга бўлган мультимедияли ўқув аудиторияларини ташкил этиш;

- ахборот технологиялари соҳасида кўп босқичли кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш.

ОТМни ривожлантиришнинг инновацион дастурининг устувор йўналишлари бўйича инновацион таълим лойиҳалари ҳар бир ОТМ томонидан ишлаб чиқилаётган мустақил инновацион лойиҳалар ҳисобланади. Бу турдаги лойиҳалар республикамиз ОТМларида кўпайиб бормоқда. Аммо шу билан бирга ушбу лойиҳаларни ишлаб чиқувчилар уларни техник-иқтисодий асослашга ва ташқи молиялаштириш манбаларига тобора кўпроқ эътибор қаратишлари лозим.

ОТМнинг инновациялар асосида самарали ривожланиши, инновацион инфратузилмани вужудга келтириш муҳим омил ҳисобланади. Бугунги жаҳон олий таълим тизими бозорида нафақат таълим ва илмий тадқиқот бўлинмалари, шунингдек, ОТМларга инновацион фаолият олиб бориш имкониятларини яратувчи саноат билан ҳамкорликдаги тадқиқот марказлари, инновацион технологик марказлар, саноат-тадқиқот консорциумлари, технологиялар трансфер марказлари, илмий технологик парклар ва технополислар шаклидаги бирлашмалар вужудга келган.

Бундай шаклдаги бирлашмалар ОТМларининг олий таълим ва илмий тадқиқот фаолиятига қўшимча “учинчи миссияси” – аниқ ижтимоий эҳтиёжларни қондириш, шунингдек, уларнинг кўп вариантли молиялаш тизими орқали барқарор ривожланишини таъминлайди. Улар бугунги кунда АҚШ, Европа ва Япония сингари ривожланган мамлакатларда ижобий натижалар бермоқда.

Бундай турдаги университет бирлашмаларини ташкил этиш тажрибаси Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам татбиқ этилмоқда. Бугунги кунда юртимиз ОТМлари тўлалигича ўз локал тармоғига эга, интернетга уланган ва замонавий компьютерлар билан таъминланган. Ўқув жараёнида фанлардан талабаларнинг билимини яқуний баҳолашларда тўлиқ компьютер воситалари орқали тест синовларидан фойдаланилмоқда. Демак, олий таълим муассасаларини инновацион ғоялар ва вазифалар асосида бошқариш муассаса самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади. Бунинг натижасида ёшларимиз келажак таъминланиб, халқимиз фаровонлиги оширилади.

### АДАБИЁТЛАР

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. - Toshkent, "Xalq so'zi" gazetasi, 2020 yil 25 yanvar. Manba: www.press-servise.uz*

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-sonli farmoni. - Toshkent, 2017 yil 7 fevral. Manba: <http://press-servis.uz>.
  3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5544-sonli farmoni. - Toshkent, 2018 yil 21 sentyabr. Manba: <http://press-servis.uz>.
  4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. - Toshkent, "Xalq so'zi" gazetasi, 2020 yil 24 yanvar. Manba: [www.press-servis.uz](http://www.press-servis.uz).
  5. Babkina, Ye. V. Innovatsionniy menedjment: uchebnoe posobie / Ye. V. Babkina, P. B. Pazushkin. - Ulyanovsk : UIGTU, 2016. - 223 s.
  6. PALEY T.F. Innovatsionniy menedjment. Izd. 2-oe, pererab. dop. - Kazan: Izd-vo «Foliant'», 2011. - 162 s.
  7. Ochilov A.O. Innovatsion iqtisodiyotda inson kapitali va "butun umr davomida ta'lim" kontseptsiyasini boshqarish. // Iqtisodiyot va ta'lim. - Toshkent, 2019. - 6. 45-52-b.
  8. Ruziev B.S. Oliy ta'lim tizimida innovatsion salohiyatni oshirish. // "Xalqaro moliya va hisob" ilmiy elektron jurnali. №3. - Toshkent. - 2017, iyun.
  9. Stepanova I.P. Innovatsionniy menedjment: kurs leksiy dlya studentov, obuchayushixsya po napravleniyu podgotovki 080200.62 «Menedjment» (profil «Menedjment organizatsii») / Saratovskiy sotsialno-ekonomicheskii institut (filial) FGBOU VPO «REU im. G.V. Plexanova». - Saratov, 2014. - 124 s.
  10. Shakurov A.A. Innovatsionnie protsessi v sovremennom visshem obrazovanii. - Nauchno-texnicheskie vedomosti SPbGPU. - №2. - 2010. - S.92-96.
  11. Shneyder Ye.M., Dimitryuk Yu.S., Tamoshkina Ye.V. Innovatsionnie izmeneniya v sovremennom visshem obrazovanii Rossii. // Sovremennye problemi nauki i obrazovaniya. - 2017. - № 5.; URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=26813> (data obrasheniya: 19.02.2020).
  12. Yusov A.B., Kasatkina A.A. Visshee obrazovanie kak faktor formirovaniya innovatsionno-aktivnoy ekonomiki Rossii. // Problemi sovremennoy ekonomiki. - 2013. - 3 (47). - S. 394-399.
-